



ИШОНЧ

47

1992 йил
23—29
ноябрь
(86)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

МАҲАЛЛАНГ — ОТАНГ, ОНАНГ...



МАШОЙИХЛАР, ҳовли олма, қўшни ол, бир болага етти қўшни оталик қилади, деганлари бежиз эмас. Негаки, маҳалла-қўй дегани бир онанинг қорнидан талашиб тушган оға-ини, онасингил, нари борса бир палакдан тарқаган қондош қариндошдек гап. Маҳалланинг аксарият қизлари ташқарига тушганмас. Узоқ йиллар шундай бўлиб келганди. Лекин шундай замонлар ҳам бўлдики халқнинг боши бир нуқтада қовушиб гап бир жойдан чиқишидан хадиксирганлар «дин халқ учун афюндур», деган шиорлари туфайли маҳалла масжиди олди жойларда дорихона — аптека, аксарият ўғитхона сифатида фойдала-

нилди. Масжидларниқу, қўяверинг. Чойхонага чиққанларга ҳам «ҳаётдан ортда қолган» деган тамга босилган ёш-ялангага ресторанинг эшиклари аввал қия, кейин ланг очилди. Бизнингча, имон сустиги-ю жиноятнинг илдизларини юқоридаги шиору тамгадан излаш керак. Барибир пешрав маҳаллаларда қўмита раислари анъанавий элликбошилар эмас, балки халқнинг отасига айлиб, қўни-қўшинлар ўртасида оқибат қарор топиб беморни йўқлаш, ҳашар билан уй қуриб, қадимгилар «кўрпанга қараб оёқ узат» деганларидек тўй-ҳашамни кам чиқим, замонавий ўтказишдек саъйи ишга бош бўлиб, оилада фарзанд

туғилганида маҳалладошлар онани ширинликлар билан йўқлаши давом этаверган. Оққан ариқ оқади.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг саъйи ҳаракатлари туфайли маҳаллалар аввало тарбия ўчоғи, қолаверса мустақил Ўзбекистоннинг бир парчасига айланиб юртнинг қадриятлари тиклашига хизмат қилмоқда.

Суратларда: Тошкентдаги Собир Раҳимов районининг «Мевазор» маҳалласи фаоллари ва пиру бадавлат қарияларидан бир гуруҳи. Даврон АХМАД олган суратлар.

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

«Ишонч» мухбирлари хабар қиладилар:

КОНЦЕПЦИЯ

МУКАММАЛ БЎЛСИН

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг бўлиб ўтган пленумида фуқароларни тиббий суғурталашга ўтиш тўғрисидаги концепцияни тайёрлаш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Бу ҳақда республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. И. Каримов маъруза қилди.

Пленумда соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Уставига қисман ўзгартирилди.

Пленумда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раиси Б. А. Адламурадов нутқ сўзлади.

ШАРОИТ ҚАНДАЙ?

АГРОСАНОАТ мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитасининг пленуми бўлди. Унда республика кишлоқ хўжалик вазирлиги, галла маҳсулотлари, паррандачилик sanoati, мевасабзавот-вино sanoati концернларига қарашли корхоналарда ишлаб чиқаришдан шикастланишнинг олдини олиш ва

ишчилар иш шароитини яхшилаши юзасидан қасаба уюшмаси қўмиталари кўраётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди ва галдаги вазифалар белгилаб олинди. Бу ҳақда агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси шаҳар қўмитаси раиси Н. О. Умарова маъруза қилди.

Пленумда агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т. К. Қўшаев сўзга чиқди.

АДИБ НОМИДАГИ МУҚОФОТ

СУРХОНДАРЁ вилояти қасаба уюшмалари кенгаши раёсати фуқаролар ва жамоатчилик истагини ҳисобга олиб, маъхур юртдошимиз ва маърифатпарвар адиб Собир Ат-Термизий номидаги муқофотни таъсис этишга қарор қилди. У миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни тиклаш ва мустаҳкамлашга, санъат, халқ ижодиётини ривожлантиришга, бадий ва ижрочилик маҳоратини ошириш ҳамда аҳолини эстетик тарбиялашга ҳисса қўшаётган кишиларга берилди.

Муқофोजга муносиб кўрилган адиблар, журналистлар, ижрочилар, бахшилар, ижодий ва бадий ҳаваскорлик жамоалари, меъморлар, рассомлар, ҳайкалтарошларни қасаба уюшмалари тавсия этади. Муқофотлар Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунинда берилди.

Хабарлар мағзи



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатимизга расмий дўстона таъриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг аъзоси, ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнин қабул қилди. Сўхбат ошкоралик ва хайрихоҳлик руҳида ўтди. Иккала томонларни қизиқтирган масалалар муҳокама қилинди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатимизга расмий дўстона таъриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг аъзоси, ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнин қабул қилди. Сўхбат ошкоралик ва хайрихоҳлик руҳида ўтди. Иккала томонларни қизиқтирган масалалар муҳокама қилинди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги қўрилиш Давлат қўмитаси тугатилиб Ўзбекистон сув хў-

жалиги қўрилиши («Ўзсувқўрилиш») Давлат концерни ташкил этилди. Ғ. Б. Ҳасанов Ўзбекистон Давлат сув хўжалиги қўрилиш концерни бошқарувининг раиси этиб тасдиқланди.

● **НАМАНҒАН** ва Фарғона вилояти пахтакорлари ҳам йиллик пахта тайёрлаш режаларини бажардилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ҳар икки вилоят пахтакорларига, меҳанизаторларига кишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларига қутлов йўллади.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси Республика пахта заводларида ишлаб чиқарилган пахта толасини сатиш тартиби ҳақида қарор қабул қилди.




● **РОССИЯ** Ҳарбий Ҳаво кучларининг Тверь —

Ереван маршрути бўйича тижорат рейсини амалга ошираётган юк самолёти Тверь областининг Некрасово қишлоғи яқинида ҳалокатга учради. Самолёт тахминан 250 метр юқоридан қулаб тушган. Етти учувчи ва ўн олти йўловчи ҳалок бўлган.



● **БИРЛАШГАН** Араб Амирликлари Олий Қозғалти мамлақати яширинча уч тоннадан ортиқроқ наша олиб келган локстонлик уч кишини ўлим жазосига ҳукм қилди. Бу мамлакат тарихида гиёфурушликка ва ўғринча таъқиқланган мол сотишга қарши биринчи бор қўлланилган олий жазодир.

● **ТЕХРОНДА** ЮНЕСКО томонидан уюштирилган «Марказий Осиёда фан ва маданият бўйича ҳамкорлик йўллари» мавзусида биринчи ҳалқаро конгресс бўлиб ўтди.



ТАКЛИФЛАР ИНОБАТГА ОЛИНСА ...

Мустақил Ўзбекистонимиз биринчи Конституциясининг қабул қилиниши республикамиз ҳаётида катта воқеадир. Жумладан, Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши маъмуриятида, тармоқ кўмиталарида, бошланғич ташкилотларда бу мавзуга бағишланган йиғилишларда сўзга чиққанлар лойиҳа ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этмоқдалар.

Анваржон НАБИЕВ — вилоят коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмалари тармоқ кўмитасининг раиси:

— Лойиҳада Ўзбекистон фуқароларига кўпгина ҳуқуқлар қатори яшаш макони борасида ҳам гамхўрлик унутилмаган. Бу нарса Конституциянинг 27-моддасида ўз ифодасини топиши лозимлиги кўрсатилган. Унда «Ўзбекистон фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, Ўзбекистон республикасига келиши ва ундан чиқиб кетиши ҳуқуқига эга», деб ифодаланган бўлса-да, аммо турар-жой масаласи унутиб қолдирилган. Бинобарин, мен шу ерга «Ўзбекистон фуқароси турар-жой билан таъминланиш ҳуқуқига эгадир», деган кўшимча жумла киритишни таклиф этаман.

Юсуфжон АМИНОВ — тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари тармоқ кўмитасининг раиси:

Жамиятимизда шу маҳалгача аҳолига медицина хизмати кўрсатиш бепул бўлиб келди ва ҳозирда ҳам шундай. Табиийки, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизга, унинг барча бойлиқларига ўзимиз хўжайин бўлганимиздан сўнг тиббий ёрдам кўрсатишнинг пуллик этиб белгиланишини хаёлга сиздириб бўлмайди. Холбуки, 39-моддада «ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга», деб кўрсатиш билан кифояланган, холос. Шу жумлани мен очик-ойдин тарзда «ҳар бир инсон бепул малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга», деган жумлалар билан тўлдирилишини истардим.

Абдубанни ҒАНИЕВ — вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари, тарих фанлари номзоди:

— Лойиҳа матнида касаба уюшмалари фаолиятига боғлиқ жойлар ҳам тўлиқ шаклланди. 56-модда бунга мисол бўлади. Унда «Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ифода этади ва химоялайди», дейиш билан чекланилган. Холбуки, бугунги ижтимоий ривожланиш босқичида касаба уюшмаларининг роли ва аҳамияти ортган, бошқа жамоат ташкилотлари билан бирга давлатни бошқаришда актив иштирок этмоқда. 79-моддада эса, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида қонун лойиҳасини таклиф этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга бўлган ҳокимият органлари номма-ном тилга олинади. Лекин шулар қатори «касаба уюшмалари Федерацияси ҳам ташаббус билан чиқиш ҳуқуқига эгадир», деган кўшимча киритилишини лозим топардик.

РЕСПУБЛИКА БОЗОР ИҚТИСОДИЕТИГА ЎТИШИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМА ХАРАКАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА КАСАБА УЮШМА АЪЗОЛИГИНИ АСОСЛАШ МУАММОСИ ЛОЙИХАСИ МУХОКАМАДА

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Лойиҳа Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг таклифи билан 12 октябрда «Ишонч» газетасида эълон қилинган эди. Федерация кенгашининг аъзо ташкилотлари уни ҳар томонлама ўқиб-ўрганиб ўз таклифларини баён этмоқдалар. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Т. НАЗИРЖОНОВ, Ўзбекистон республикаси алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси раиси: — Тармоқимиздаги корхона ва ташкилотлар касаба уюшмалари нафақа жамғармасига меҳнатқашлардан бир фоиз солиқ олишни йўқ қилиш масаласини бир неча бор кўтарган эди. Ҳозир ҳам оиз шу фикрда турибмиз. Шунинг учун ҳам биз ҳозирги шароитда Ўзбекистон касаба уюшмаси ҳаракатини ривожлантириш концепцияси лойиҳасига баъзи ўзгаришлар киритишни таклиф этаймиз. Жумладан, лойиҳа матнининг 16-саҳифасидаги иккинчи хат бошига кирган «ёки касаба уюшмаси бюджетига чегирта нормативи қайта кўриб чиқилсин» деган сўзлар тушириб қолдирилишини истаймиз. Бешинчи бўлимнинг охириги хат бошидаги сўнгги сатрларни эса «Касаба уюшмаси кўмиталари молиялашда иштирок этади» деган тарзда таҳрир қилган маъқул.

Х. ШАРАФУТДИНОВ, Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси:

— Лойиҳада меҳнат жамоаси корхонанинг тенг ҳуқуқли хўжайини, ишлаб чиқариш ва социал ривожланиш масалаларини мустақил ҳал этади, деган маънодаги фикрлар ўз аксини топмаган. Меҳнат жамоаси номидан корхонада касаба уюшмаси фаоллари,

касаба уюшмаси кўмитаси иш кўради. Касаба уюшмаси кўмитаси меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини ошириш, уни реализация қилиш ва фойда олиш билан боғлиқ масалалардан четда туролмайди. Шу фикрларга алоҳида ургу бериш керак, деб ҳисоблаймиз.

Лойиҳанинг «Халқаро алоқалар — ишонч ва ҳамкорлик калити» деб номланган бўлимини «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бошқа мамлакатларга кўчиб кетаётган фуқароларнинг нафақа таъминотини, уларни химоялаш билан боғлиқ бошқа имтиёзлар ва товон ҳақларини ҳал этиш юзасидан ҳамдўстликка аъзо бўлган давлатлар билан ўзаро битимлар тузиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади ва киритади», деган фикр билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Касаба уюшмаси органларини шакллантириш юзасидан ҳам баъзи фикрларни билдирмоқчиман. Бу ўринда касаба уюшмаси кўмитаси таркибига корхона ёки хўжалик раҳбари, бош мутахассислар киритилмаслиги керак. Аке ҳолда улар касаба уюшмаси кўмитаси қабул қиладиган қарорларга ўз таъсирларини ўтказишлари, меҳнатқашлар манфаатидан бошқарув органи манфаатларини устунроқ қўйишга уринишлари мумкин.

Э. ЭРҒАШЕВ, Самарқанд вилояти агросаноат ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси:

— Лойиҳадаги «Ўзбекистоннинг янгилашган ва бақувват касаба уюшмалари учун» деган бобни диққат билан ўқиб чиқиб янги фикрлар билан яна ҳам тўлдириш керак, деган ҳулосага келдим. Менинча, турли хил вазирликлар, бошқармалар, ассоциациялар бўлгандан кейин тармоқ касаба уюшмалари ҳам сақланмоғи керак. Улар орқали меҳнат битимлари, турли

хил норматив ҳужжатлар тузилади. Молияни тармоқ касаба уюшмаларида сақлаш ва унинг каттагина қисмини бошланғич ташкилотларга бериш лозим. Бундан ташқари, аввало тармоқ касаба уюшмаларида заҳира фондларини ташкил этиш, шундай фондларни қисман кенгашларда ҳам тузиш мақсадга мувофиқдир. Мулк бўйича ҳам аниқлик киритиш керак. Барча ҳаракатдаги ва муқим мулклар, тармоқ касаба уюшмалари маблағи ҳисобига қурилган болалар соғломлаштириш лагерлари унинг мулки ҳисобланиши лозим.

Лойиҳанинг «Ижтимоий сугурта ва меҳнатқашлар соғлигини сақлаш» боби ҳам баъзи қўшимчаларга муҳтож. Уни «Социал сугурта бюджетини бошқариш вазифаси тармоқ касаба уюшмаси ихтиёрига топширилиши, бир қисми бошланғич ташкилотда қолдирилиши, яна бир қисмини эса касаба уюшмалари кенгашига ўтказиш керак» деган фикр билан тўлдириш зарур.

Ҳозирги инқирозли шароитда меҳнатқашларни санаторий-курортларда даволанишларини таъминлаш ҳуқуқи тармоқ касаба уюшмаларига берилиши керак. Социал сугуртага чегиртамалар ажратиш миқдорини эса ўйлаб кўриш зарур. Ҳозирги тартибда бутун огирлик бизнинг тармоққа тушапти. Қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларнинг кемтикларини қоплашга мажбур бўлапти. Шунинг учун бюджетдаги тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларининг сугурта бадалларини қайта кўриб чиқиш зарур.

«Касаба уюшмалари ва меҳнатқашлар маънавий талаблари муҳофазаси» боби ҳам бир қўшимчани таклиф этмоқчи эдим. Менинча, кинини республика давлат кинолаштириш кўмитаси, клуб муассасаларини эса маданият ишлари вазирлиги ихтиёрига ўтказиш керак. Ажратилган маданий жиҳозлар эса касаба уюшмалари ихтиёрида бўлгани маъқул.

аъзосининг обрў-эътиборини ошириш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак. Ҳозир касаба уюшмасига аъзо бўлганлар ҳам, аъзо бўлмаганлар ҳам кўп жойда имтиёزلардан тўлиқ фойдаланмоқдалар. Лекин бу нотўғри.

Тариф-битимлари ва жамоа шартномаларини имзолашда касаба уюшмаси аъзоларининг маошларини ва бошқа имтиёзларни оддий меҳнатқашларникидан, яъни касаба уюшмасига аъзо бўлмаган кишиларникидан юқорироқ қилиб белгилаш лозим. Чунки улар ўз вазифаларидан ташқари, жамоат топшиқларини ҳам бажарадилар, Уставага биноан кўшимча мажбуриятларни зиммага оладилар. Шунга ўхшаш фикрлар лойиҳанинг ҳар бир боби бўйича туғилапти. Лойиҳани яна бир қарра пухта ишлаб чиқиш, жойларда туғилаётган фикрларни инобатга олган ҳолда уни тўлдириш зарурга ўхшайди.

В. ПОДЛЕССКИЙ.

Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари.

КУЧЛАР БИРЛАШСИН

Вилоятимиз касаба уюшмаси фаоллари лойиҳада олға сурилган фикрларни кизгин қўллаб-қувватлаган ҳолда баъзи фикрларни ҳам ўртага ташламоқдалар. Ҳозир биз қандай жамият кураямиз? Шу масала кўпчиликни кизиктирмакда. Лекин лойиҳада бу саволга жавоб топа олмадик.

Бундан ташқари лойиҳага «касаба уюшмаси ташкилотлари ва уларнинг касаба уюшмаси органлари фақат касаба уюшмасига аъзо бўлган меҳнатқашларнинг социал-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини химоя қилади», деб аниқ ёзиб қўйиш керак. Бундан ташқари меҳнатқашлар манфаатларини химоя қилиш бўйича касаба уюшмалари куч-ғайратини бирлаштириш масаласини ҳам олдинга суриш муҳим вазифадир.

Бу масала айниқса, районларда ўткир бўлиб турибди. Маълумки, бу

ерда одамларнинг нормал ҳаёт кечирishiлари учун минимал инфраструктура вужудга келган. Масалан, қишлоқ районларини оладиган бўлсак, бу ерда агросаноат ходимлари касаба уюшмаси асосий куч ҳисобланади. Лекин медицина, маориф, маданият, транспорт, алоқа, савдо, коммунал-маиший хизмат каби соҳалар касаба уюшмалари ҳам қишлоқ меҳнатқашларининг ҳаётини эҳтиёжларини қондиришга даъват этилган. Улар кам сонли бўлса ҳам турмуш учун гоят зарур. Шунга қарамай, уларнинг роли минтақада сезилмайди. Тармоқ касаба уюшмалари тармоқ бўлганлиги учун кучларни аниқ мақсад сари йўналтириш кийин бўлапти. Шу бондан биз касаба уюшмалари куч-ғайратини бирлаштириш омилларини топиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, касаба уюшмаси

КОМЭК

Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳозир амалда!

Ўзбек ва рус ҳарфли «Ромашка 305—07» электрон ёзув машинкасини **СОТАМИЗ**. У 2 варақли матни эслаб қолиб, автоматик режимда босиб бера олади, ҳарф тушириш кучини, рамзаларо кенгликни бошқариш имконига эга.

Муассасаларбоп электрон автоматик телефон станциялари, телефонлар, телефакслар, термоқоғозни таклиф этамиз.

Телефонлар: (3712)67-85-87, 67-77-06.



Ҳужжатлардаги МУҲР ва ШТАМПларингизнинг аниқ ва равшан оттискаси Сизнинг бизнес оламида ишончли ва барқарор бўлишингизни билдиради.

Мумкин бўлган барча оснасткалар, штемпел ёстиқчаси, мастика, ишбилармонлар учун чарм папкалар — буларнинг барчаси дидга мос. Уларни ўз ҳамкасбингизга ва бизнесменларга совға қилсангиз арзийди.

Тошкентдаги телефон: (3712) 76-89-45



???

31 йил ўқитувчилик касбида ишлаб, 1991 йили 50 ёшга тўлгач, кексалик нафақасига чиқдим. Шундан сўнг бир йил шартнома асосида ишладим. 1992—93 ўқув йилида ҳам ишни давом эттириш ниятида Собир Раҳимов номидаги мактаб маъмуриятига ўчрашган эдим, сизга дарс йўқ, уйда ўтираверинг, дейишди. Айтинг-чи, мен 55 ёшга қадар ишлашга ҳақлиманми?

М. ТОҒАЕВА,
Қашқадарё вилояти.

Саволга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги кадрлар бошқармаси бошлигининг муовини Р. АХМЕДИНОВ жавоб беради.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари мажмуасига мувофиқ нафақа ёшига етган ва тўлиқ кексалик нафақаси тайинлаш учун зарур меҳнат муҳлатига эга бўлган ходимлар билан меҳнат муносабатлари томонларнинг келишувига асосан муддатли меҳнат шартномаси тузиш йўли билан давом эттирилади ёки маъмуриятнинг ташаббуси билан касаба уюшмаси қўмитасининг розилигига мувофиқ тўхтатилади.

???

1. Квартира, газ, электр тиббиёт ходимлари учун бепулми?
2. Тиббиёт ходимларининг иш стажига пул тўланадими?
3. Тиббиёт ходимларининг йўл ҳақиға қандай ёрдам бериш мумкин? Масалан, 30—40 км. масофадан қатнаб ишлаётганлар ҳам бор.
4. Психиатр врачларга 42 кун меҳнат таътили бор. Ҳозир эса яна қўшимча қўшилди, деган гап бор. Шу тўғрими?
5. Психиатр врачларга қўшимча 25 фоиз ҳақ бериладими?
6. Врачларга кечки навбатчилик соати 100 фоиз экан. Бизларга 50 фоиз тўлаяпти? Шу тўғрими?
7. Бизларнинг ишлаётган жойимиз Навоий шаҳрига 8—20 км. келади. Навоий шаҳридан 40—50 км. узоқдаги Қизилтепа, Хатирчи районларида экологияни ҳисобга олиб, иш ҳақиға 20 фоиз қўшимча тўлаяпти. Бизларга ҳам шундай енгиллик бериладими?
8. Қишлоқда яшаётган тиббиёт ходимларига қўшимча томорқа бериладими?

Самарқанд вилоятининг Пахтачи райони шифокорлари номидан:
НУРАЛИЕВ, САҒОЕВ, ШУКУРОВ,
БОБОКОЛОНОВА ва бошқалар.

Бу саволларга медицина ходимлари Республика касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ходимлари Т. П. ЦИГЛИНЦЕВА, Л. О. МОСТОВАЯ, Б. ВОЗОРОВ ўртоқлар жавоб берадилар.

1. Қишлоқ жойларида яшаб меҳнат қиладиган, шунингдек, шаҳар типдаги ишчи пос-

ёлкаларида истиқомат қиладиган тиббиёт ходимларига квартира, электр ҳамда коммунал хизматлари бепул.

2. Тиббиёт ходимларининг иш стажига бўйича ҳақ тўланмайди.

3. Бу масалани муассаса раҳбарлари ҳамда бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси ўз имкониятларидан келиб чиқиб ҳал қилишлари мумкин.

4. Бу ҳақда ҳали янги кўрсатма йўқ. Ҳозирча уларга 42 кунлик меҳнат таътили берилади.

5. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг мавжуд шартларига кўра, соғлиқ учун хавfli ва қийин меҳнат шароитларида ишлайдиган врачларга, шунингдек, психиатр врачларга қўшимча ҳақ тўланади.

6. Кечки навбатчиликда (тунги соат 22 дан эрталаб 6 гача) ишлайдиган тиббиёт ходимларига иш ставкаларига мувофиқ ҳар бир соат учун 35 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўланади. Лекин буни муассаса ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда мавжуд имкониятдан келиб чиқиб, қўшимча ҳақ тўлашни 50 фоизга етказиш мумкин.

7. Сувсиз ерлар ва чўлларда, баланд тоғларда ишлаганлик учун минтақа коэффициенти тайинланишидан асосий мақсад — ноқулай табиий-иқлим шароитида яшаш ва ишларни бажариш билан боғлиқ ходимларнинг қўшимча харажатлари ва кўпроқ меҳнат сарфлаганликлари ўрнини қоплашдир.

Қўшимча иш ҳақи жорий этиладиган минтақалар рўйхати ва коэффицент миқдори илгари СССР меҳнат ва иш ҳақи Давлат Қўмитаси ва ВЦСПС томонидан (республикалар Вазирлар маҳкамалари, СССР Давлат режа Қўмитаси ва СССР Молия вазирлиги иштирокида) тасдиқланар эди.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасида мазкур масала юзасидан илгари қабул қилинган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ишлари олиб борилмоқда.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги вазирлар маҳкамасининг шу йил 27 августдаги № 399 қарорига мувофиқ, тиббиёт ходимларига, ижодий ходимларга биринчи навбатда ер участкаси берилиши ва шахсий уй-жой қуриб олишлари учун қурилиш материаллари билан таъминланиши керак.

???

Турмуш ўртоғим иш вақтида тоқ уриб вафот этдилар. 6 нафар фарзандим бор, уларга қандай нафақа тўланади? Нафақани ижтимоий таъминот бўлиmidанми ёки иш жойидан оламанми?

Ҳафиза ЖўРАЕВА,
Сирдарё вилояти.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Мастура ХОЖИМАТОВА жавоб беради.

Амалдаги қонунга асосан боқувчисини йўқотганлик нафақаси меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир оила аъзоси учун вафот этган шахсининг ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға асосан, шу йил 1 сентябрдан боқувчисини йўқотганлик нафақасининг энг

кам миқдори ҳар бир бола учун 625 сўм қилиб белгиланди. Демак, 6 фарзандингиз учун 3750 сўмдан кам бўлмаган миқдорда нафақа тайинланади.

Бундан ташқари турмуш ўртоғингизнинг иш жойидан ҳам ўртача ойлик иш ҳақи ва нафақа орасидаги фарқи тўланиши керак. Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз.

???

Ўз тарихимиз, миллий қадриятларимиз тикланаётган ҳозирги пайтда биз мактаб ўқувчилари ҳам халқимизнинг ўтмиши ҳақида, унинг жонкуяр фарзандлари ҳақида кўпроқ билгимиз келади. Шундай кишилардан бири бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида маълумот берсангиз?

Абдували БҮРИЕВ,
Навоий вилояти, Нурота райони,
«Ўзбекистон 50 йиллиги» давлат хўжалигидаги 16-мактаб ўқувчиси.

Бу саволга ТошДУ аспиранти Насиба АБДУЛЛАЕВА жавоб беради.

Маҳмудхўжа Бехбудий тахминан 1875 йилда Самарқанд вилояти, Бахшитепа қишлоғида муфти оиласида дунёга келган. Аввал эски мактабда, сўнг мадрасада таҳсил олади. Отаси вафот этгач эса, тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқ ёнида мирзалик қилади. Ўз даврининг олиму фозиллари бўлган тоғаларидан араб тили ва бошқа илмларни ўрганади. Бехбудий Маккага бориш учун бир неча йил тайёргарлик кўради. Ва ниҳоят, Маккада бўлиб, бу муқаддас жойдан Ҳожи ва Муфти унвонлари билан қайтади. У 1899—1900 йилларда Истамбул, Миср шаҳарларида бўлиб, янги усулдаги мактабларни, билим юртлари ва мадраса ислохотлари билан танишиб, сўнг Петербург, Москва, Қозон, Оренбургда бўлиб, дунёқарашини янада кенгайтириб қайтади. Қримда чиқиб турган «Таржимон» газетасининг муҳаррири Исмоил Ғаспирали билан танишуви унда катта таассурот қолдиради. Бехбудий сафардан қайтгач, Исмоил Ғаспирали таъсирида 1913 йил «Самарқанд» номли газета ва 1913 йилнинг августидан «Ойна» номли (журнал) мажалла ташкил қилади. Бу газета ва мажаллада янги типдаги мактабларнинг миллий-маданий тараққиётдаги муҳим ўрнини қайта-қайта таъкидлайди. 1913 йилда ёзган «Падаркуш» драмаси унга катта шухрат келтиради. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг отасин сўзлари фақатгина Туркистонда эмас, балки Кавказда, Волгабўйи, Қозонда ҳам кенг тарқалган. Унинг номи ҳатто оқ пошшонинг ўзига маълум бўлган. Бухоро амири Саид Олимхон уни ўзининг шахсий душмани деб билган. 1919 йилнинг баҳорида амир айғоқчилари Шаҳрисабзда қўлга олиб, Қаршига келтиради. Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғи билан пинҳона қатл қилинади. 1920 йилнинг апрелида унга бутун Самарқанд мотам тутади.

● Саҳифани маънавият, маданият, табиат ҳамда хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик бўлимлари тайёрлаган



ДУОИНГИЗ ИЖОБАТ БЎЛСИН

ДАВРАга минг чоқли одам тўпланган. Ҳамма балаид сўрида ўтирган Нурсулув момони яқиндан кўргиси, унга яқинроқ бўлгиси келади.

Тўй Ленин номли жамоа хўжалигининг 69-интернат-мактабида ўтарди. Ўттиз йилдан бери мома шу интернат-мактабининг азиз онахони, ҳамма унинг фарзандай бўлиб қолган. Момонинг машаққатли ҳаёт йўли қишлоқ аҳли қалбида қаттиқ ачиниш уйғотганидан бўлса керак, ҳамма унинг губорини кўтаришга интилади.

Уруш йиллари эди. «Ховос» давлат хўжалигининг ўйвли қишлоғида истиқомат қилувчи Нурсулув Рустамова ҳам Фарҳод канали қурилишига отланади. Очарчилик, беақал, терлама авж олган кунлар. Аёл умр йўлдоши Рустамали билан бирга елкама-елка туриб қурилишда ишлайди. Бу оғир меҳнат кўпга келган тўй эди. Она бундан нолимади. Бирок, қўққисдан бошига мусибат тушади. Аввалроқ ҳам бир фарзандидан айрилиб, қадди бүкилган эди. Кейин Рустамали қаза қилади.

Урушдан кейин Нурсулув Рустамова ҳамқишлоқлари билан бирга Боёвут районида кўчиб келади. Ушанда етти фарзанддан иккитаси ҳаёт бўлиб, онаизор уларга суюниб юрарди. Хайхот, буларни ҳам худо кўн кўради унга. Шундан кейин Нурсулув мома бағрини ерга бериб қолади. Қунига ярайдиган яқин кишиси, чинакам жонкуяри қолмай ёлғизлик изтиробидан қутилиш мақсадида интернат-мактабига ишга ўтади. Мана бугун унинг юз ёшга кирганлиги нишонланмоқда.

— Момомизни ҳеч кимга ишонмаймиз, қўлини совуқ сувга урдирмай, ўзимиз ардоқлаймиз, — дейди интернат-мактаби директори Аҳтам Хотамов. — Ёзда ҳамма таътилда бўлган чоқларда ҳам навбатма-навбат ёнидан жилмай ҳолга қараймиз.

Кўпроқ Марҳамат Пиримкулова деган ходимамизга ишонамиз. Уни эмаса смайдики, момага сув деса — сув, нон деса — нон, вот тутадиган меҳрибон фарзанддай қарайди.

Мана бугун минг кишига дастурхон ёзилди. Ҳозирги кунда бу ҳазил гап эмас. Аммо момонинг юз ёшлик муборак тўйи эртақлардагидек мўл-кўл бўлиб ўтмоқда. Бутун қишлоқ аёллари шу онамизнинг ёшига етказсин, деган ниёт билан сават-сават патир, тоғора-тоғора сомса, қатламалар пишириб келишди. Биров узум, биров олма, яна биров анор... Султон Раҳмонкулов бош бўлган Ленин номли жамоа хўжалиги фаоллари ҳам қараб туришмади. Боёвут районидан, умуман Сирдарё вилоятининг узоқ-яқин ҳудудларидан, ҳатто қўшни Тожикистондан ҳам меҳмонлар келишди.

Боёвут район ҳоқими Рафуржон Алиев момага чўгдай ёниб турган гилам совға қилганида, Нурсулув момонинг кўзларига қувонч ёшлари келади.

— Менга аслида бу гиламларингдан ҳам, анави кийим-кечакларингдан ҳам сенлар азизсанлар, — дейди мома кўз ёшларини арта туриб. — Ахир мен бугун-эрта борса келмас йўлига сафар қиладиган одамман. Мени йиғлатган сизларнинг меҳру оқибатларингиз, болаларим, шунча маҳал ардоқлаб, белимга қувват бўлган санларнинг меҳру-оқибатингиз. Ҳаммадан миннатдорман. Ҳамманг менинг ёшимга етгин. Сенларнинг бахтинга юртимиз тўқ, халқимиз тинч бўлсин. Мени сийлабсиз, сизларни худо сийласин. Олло таоло ёшларга узоқ умр, кексаларга имон ато қилсин, омин!

Меҳнатдан қадоқ бўлган ҳисобсиз қўллар юзларни силади. Аёллар бир-бирига гал бермай момони кучишди, тавоб қилишди.

Дуонингиз ижобат бўлсин, мома!

Саминжон СУЛТОНОВ.

УНИНГ ҳам ўз қадрдон қишлоғи, дунёдаги ҳамма кўчалардан чиройли кўчаси, чароғон уйи, ўзи тенги ўртолари бор эди. У узоқ ўйнаб кетганида хавотирланган онаси дарвозанинг бир қанотини очиб, ёқимли овоз билан уни чақирар эди. Онасининг бағрида эркаланиб ухлаб қолишлари қандай яхши эди-я...

Кўп ўтмай уйларида тез-тез жанжал кўтариладиган, кейинчалик дадаси уйга тез-тез маст бўлиб келадиган бўлди. Кунларнинг бирида қаттиқ можародан сўнг дадаси уйларида батамом кетиб қолди. Кейинчалик... Кейинчалик онаси уни кўп уришадиган, уйга кеч қайтадиган одат чиқарди. Кейин эса уни онасидан ажратиб, қанчалар йиғлатиб, бу ерга олиб келишди.

Бу ерда ҳамма аҳил, қувноқ, бирга яшайди. Лекин Гулнор, у ўзини шундай таништирди, уларга қўшила олмаяпти. Ҳовлидаги ўриндиққа чиқиб, ерга қараб, узоқ ўйланиб ўтиради, эсига тушиб ойижоним, дадажоним

бир қаранг. Сизлар туфайли уларнинг кўзларига, гўдак тушунчаларига соя солган ғам, алам, ўкинчларни бир кўринг. Ғам, ташвишсиз ўтган ўз болалигингизни бир эсланг.

— Бутун ҳаракатимиз, — дейди Бўка шахридаги Йўлдош Охунбобоев номидаги болалар уйининг директори Ҳайдар Мусаев, — болаларнинг чинакам инсонлар бўлиб етишишларига қаратилган. Ҳозирги вақтда болалар учун шароитимиз анча яхши. Оталиқ ташкилотларимиз — район матлубот жамиятлари уюшмаси, умумий овқатланиш корхонаси, «Дўстлик» деҳқончилик хўжалиги, «Меҳнат» ширкати жамоалари болалар уйимизга кийим-кечак, озиқ-овқат билан ёрдам бериб туришади. Бир неча ой аввал 7 нафар боланинг суннат тўйини ўтказишда ҳам ана шу ташкилотлар ҳиммат кўрсатишди.

Болалар бу ерда ҳамма нарса билан таъминланганликлари учун ҳам кийим, овқат, дарсликлар ташвишлар

ОНАЖОНИМ, ДАДАЖОНИМ,



ҚАЧОН КЕЛАСИЗ?

қачон келасизлар, деб йиғлайди, соғинади.




Мевазор дарахтлар орасидаги бу кўркем биноларнинг ичида шинам дам олиш хонаси, кенг ва ёруғ ётоқхона, дарсхона, ҳамма зарур жиҳозлар болалар хизматидадир. Ёшига қараб гуруҳларга ажратилган болаларнинг ўқиш, дам олишлари доимо тарбиячилар ва энагалар назоратида. Мавсумга мослаб кийим-бошлар берилади. Ошхонада мазали таомлар тайёрланади. Бахтиёр Тўймухамедов, Людмила Садуева, Нина Охотина, Наталья Крупская каби тарбиячилар, Ҳуррият Тошпўлатова, Зухра Жамолова каби ошпаз, таъминотчилар, кўплаб жонкуярлар болаларнинг яхши инсонлар бўлиб етишишлари учун тинимсиз меҳнат қилмоқдалар. Болалар дарсдан бўш вақтларида тикиш, ўйинчоқлар яшаш билан шуғулланадилар, спорт тўғрисида катнашадилар, кутубхоналардан китоблар олиб ўқийдилар. Лекин... лекин, кошки эди меҳрибон мураббийлар бир нафасга бўлса ҳам ўз ота-оналарининг ўрнини боса олишса, бу уйлар ўз туғилган уйларидай бўла олса, гўдак кўзларида чинакаммига, болаларча қувонч порласа. Унда бу ерга янги келган Гулнорлар ҳам ўкинч билан, ғам билан бир бурчакда ўтирмай, болаликнинг беғубор қувончлари билан чопиб юрган бўлар эдилар. Беғуноҳ, беғубор, ҳаёт лаззатини ота эркалаши-ю она меҳрибончилигидан, гўдак қувончидангина иборат, деб юрган болаларнинг кўзларига мунг соя солмаган бўлар эди.

Фақат ўз ҳаловатини ўйлайдиган оталар, ҳавойи хаёллар ортидан юрган серзарда оналар, бир-бирларингизга аччиқ қилиб, ўз маишатингизни ўйлаб болани тирик етим қилишдан олдин келинг, болаларнинг кўзларига

рини билмайдилар. Худди мана шу нарса бу болаларни оила муҳитида ўсган болалардан ажратиб туради. Миллатга хос урф-одатлар, кундалик турмушга хос кўникмалар уларга ўргатилмайди. Улар эртага мустақил ҳаёт бошлашса иморат қилиш, жиҳозларни танлаб топиш, кундалик озиқ-овқат, кийим-кечак ташвишлари, уларнинг меъёрини таъминлаш ишларида қийналиб қолишлари мумкин. Она меҳрининг, ота тарбиясининг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Давлат болалари айниқса инсон ҳаёти учун энг муҳим бўлган ана шу имкониятдан маҳрум бўлишади. Дунёда инсон учун она битта бўлади. Онанинг чексиз меҳр эгаси эканлиги фарзанд кўнглига бир умрга меҳр-муҳаббат, муруват, шодланиш ҳисларини солади. Уни ҳар доим атрофдагиларга меҳрибон, одамларга яхшилик қилувчи инсон қилиб тарбиялайди. Фарзандлари учун ҳар доим ҳар қандай қийинчиликларга тайёр она ўз болаларига ана шундай тенгги йўқ инсоний фазилатларни ато қилиш билан бирга уй туттишдаги меъёрни, останадан ҳатлаб ўтган меҳмонни улғулаш йўлларини ўргатади.

Ўз уйида, ота-онаси бағрида ўсаётган бола тарбияси ҳам баъзан тўқис бўлмаётган ҳозирги вақтда болалар уйида тарбияланаётган бу тирик етимларнинг келажаги ҳақида ташвишланмай бўладими?! Уларнинг кўпчилигида ё ота, ё она бор-ку. Наҳотки бу кимсалар жамият олдидаги, инсоният олдидаги, фарзанд олдидаги ўз бурчларини бажариб, росмана ҳаёт кечира олмайдилар. Қушнинг уядаги боласи олиб қўйилса, уни қутқаргунча фарёди оламини тутати. Наҳотки баъзи ота-оналаримиз ана шу қушчалик бўла олмайдилар?!

Темур ҲАЙДАРОВ.



Донишманд шоир: «Кўзингни юм, ўтмишни кўражаксан, лекин ўтмишдан кўзингни юмма», деган экан.

Темир-бетондан бино қилинган бирхил тусдаги «кутилар»дан кўнгил безгач, шу-уримиздаги соғинч ҳисси бизни ўтмишдаги обидалар сари етаклайди. Кўнглимиз Шарк нафаси уфуриб турган иморатларга талпинади.

Жиззах шаҳридаги янги чойхона бино-

корлари — самарқандлик усталарнинг кўл излари қолажак бу чойхонада ўтириб, бир пиёла чой устида халқимизнинг кўли гул эканлигини эшладан ортик фароғат бормикин...

Суратларда: Дуралгор Илҳом Ҳусанов устози Аброр Ахроров билан. Чойхонанинг умумий кўрinishи.

Б. ТўРАЕВ суратлари. (ЎЗА).

ЕЛКАСИ ЕРГА ТЕГМАГАН...

ХАЛҚИМИЗ бисотидаги човгон, кўпкари улоқ, пойга, мерганлик, найзабозлик, киличбозлик ва бошқа хил жангатор томошалар ўтмишда ҳарбий-жисмоний санъат даражасига кўтарилган. Айниса, ёшларнинг жисмоний камолотида ўзига хос мактаб вазифасини ўтаб, уларга маънавий, руҳий озуқа берган, илохий куч-қувват бахш этган миллий кураш томошаси ҳам узок асрлардан буён аждоқларимизнинг барча йиғинларида, тўй-ҳашамларида, байрам ва базмларида мунтазам уюштириб келинган.

Кўхна Турон заминидан катта-катта давлатларнинг зарбардаст баходирлари юрагига ваҳима солган минглаб полвонлар сулоласи яшаб ўтган, кўпларининг бир умр елкаси ерга тегмаган. Ориятли, гурурли, мард йиғитларнинг жасурлик мактаби бўлган миллий кураш мусобақаси Сурхондарёда «олиш» деб юритилган. Олиш онлада янги чакалоқ дунёга келганда, гўдакнинг соч ва суннат тўйларида баъзи пайтларда хатто унинг никоҳ тўйида ҳам уюштирилади. Курашнинг уюштириш маҳаллий анъаналарга мувофиқ амалга оширилади.

Катта давраларда кураш тушадиган полвонларнинг маҳсус кийимлари бўлади. Ўтмишда улар йўлбарс терисидан тикилган калин пўстин ва белда калин камарларда курашган. Сўнгра жуда мустаҳкам қилиб тайёрланган чакмон ёки кепанак кийиб, белига пилликсимон белбоғ боғлашни одат қилишган. Орадан вақт ўтиши билан бу кийимлар ўрнини чопон эгаллаган. Кейинчалик эса хозирги «желак»ка ўтишган. Негаки, бу кийимлар ҳар қанча тортилганда ҳам йиртилмаган. Белбоғ маҳкам киеилса, белдаги кучга мадад бўлади.

Шу боис бўлса керак, полвонлар либоси кўпинча уч-тўрт авлодга хизмат қилади.

Миллий кураш мусобақалари одатда дехқонлар ўзларининг йиғим-терим ишларини ниҳоясига етказгандан кейин кеч куз ва киш ойларида бошланиб, то далаларда экиш ишлари бошлангунга қадар давом этади. Элга томоша бермокчи бўлган тўй соҳиби удумга кўра бир ой илгари кишлоқ оксоқолларига ўз мақсадини маълум қилади. Оксоқоллар ўзаро кенгашиб, бир қарорга келишади. Шу кундан эътиборан тўйни ва унда ташкил этиладиган полвонлик мусобақасини ўтказиш борасидаги ташкилий ишлар бошлаб юборилади.

Мусобақанинг қачон, қаерда, қайси кишлоқда бўлиши ва унда қандай совринлар кўйилиши тўғрисидаги хабар 15—20 кун илгари полвонларга маълум қилинади.


Полвонлар беллашганда майдоннинг катталиги тахминан 20—30 метргача бўлади. Барча ишқибозлар майдон ташқарисида айланасига туриб, мусобақани кузатишади. Давра четига айланасига гилам, кигизлар тўшаллади. Унинг устига хурматли кишилар, азиз меҳмонлар ва қариялар ўтиришади. Давра Сурхондарёда «кур» дейилади.

Мусобокани бақовул бошқариб боради. Ҳар бир кишлоқнинг суяғи даврада қотган кекса, улуғ полвон — бақовули бўлади. Бақовул томоша олдидан аждоқлар удумига кўра ўзи тенги бирор полвон билан номигагина енгил бел олишади. Оксоқол полвонларнинг бу удуми курашнинг бошланганини билдиради. Сўнгра бақовул даврага чўкиб, ҳаммага қарата «Халойик! Даврада ҳалол олишиб, элга яхши томо-

ша кўрсатайлик! Ҳақ-ноҳақни мен ажрим қиламан. Ошна оғайнигарчилик ва тарафқашликка йўл қўймайман» дея мурожаат қилади. Курашчилар даврага чикканидан кейин аввало бир-бирига бўлган муносабати самимий эканлигини билдириб кўл беришади ва даврани ўнг томонидан айланиб, ҳаммага кўрinish беришади. Бир дақиқа айланишгандан сўнг кўлининг энгини шимариб, бир-бирига яқинлашади ва турли шўҳ ҳаракатлар билан рақибини синаш мақсадида енгилгина ёқа ушлашади. Маълум вақт тортқилашиб, яна кўйиб юборишади. Олиншув аста-секинлик билан шу тариқа кизиб боради. Ким йиқилса изидан акаси ёки яқин ўртоқларидан бири чиқади. Шу тартибда даврадаги полвонлар жуфтлиги ҳам катталашиб бораверади.

Мусобақанинг охирида энг кучли, халқ томонидан тан олинган курашчилар чиқади. Олий соврин ҳисобланган «ТОБОҚ» мана шулар ўртасига қўйилади. Тобокқа талабгор полвоннинг номи эълон қилинган, агар уни таъкиб қилиб юрганлар бўлса, шу заҳотиёқ даврага чиқади. Мабодо у билан тенглашадиган топилмаса, унга муносиб рақиб чикмаса, оксоқоллар кишлоқнинг энг кучли полвонларидан бирига фогиха беради. Бу кўпинча тобок полвон меҳмонлардан бўлганда, кишлоқнинг обрўсини сақлаб қолш учун охири чора сифатида қўлланилади. Тобок полвонлар даврага чикиб, маълум муддат тортқилашгандан кейин, томоша ниҳоясига етказилганлигини билдиради. Кишлоқнинг ёши улуғ кишии барча томошабинлар ўртасида ўтган-кетганлар руҳига фогиха ўқийди.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ.



Буюк миноралар халқимизнинг буюк қалбини эслатади, ҳаммаша. Ушбу минора Бухоро вилоятининг Вобкент районидан кад ростлаган.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратга олган.

ҲИНД ҲИКМАТЛАРИ

Дўстларнинг дўстга манфаати беҳисобдир. Дўст давлатини борида ҳам, бошингга кулфат тушганда ҳам ҳамроҳ, ёрдамчи ва суянчиқ бўлади.

Кемани саҳрода юргизаман, отни дарё устида чоптираман, деб мақтанма. Совуқ темирни чўзишга ва қўлдан келмайдиган ишга беҳуда уринма. Маҳол ишга уринган одам охири масҳара бўлади ва нодонлигини билдириб қўяди.

Тамагир юз йилги дўстлик ипини бир лаҳзада узишдан ҳам тоймайди, кеч дўст ва тез душман бўлади. Сопол кўза тез синади ва уни тuzатиб бўлмайди.

Молу дунё бериб ошналик қилган кишининг дўстлиги овчининг ишига ўхшайди. Овчи донни қушларни озиқлантириш учун эмас, балки уни тузоққа илинтириш учун сочади. Бундай дўстлик охири адоватга айланади. Жон фидо қиладиган дўст, молдан кечадиган дўстдан минг даража устундир.

Бир тоифа кишилар борки, ҳақ сўзни эшитмоққа қар, рост ишни кўрмоққа кўр ва тўғри сўзламоққа соқовдирлар.

Яхши муомила ва ширин сўз қўлдан кетмас бойликдир.

Ҳиммати паст кишиларнинг дўстлиги давлатини туфайли ва мол-мулк орттириш учундир. Давлатини борида ҳамма дўстлик қилади, содиқман деб қасам инади. Ким дўст ва ким душман эканлиги давлат қўлдан кетгандан сўнгина маълум бўлади.



«Ҳазилни тушунмайдиганлар менинг ёзганларимни ўқимай қўя қолсинлар», дейди муаллиф. Дарҳақиқат, ёзувчи Носир Фозил ўз ҳамкасблари, устозлари ҳақидаги кузатувларини қоқозга тушириб, уларни жиндек ҳазил, жиндек тарих деб атади. Ёзувчи ушбу асарнинг севимли шоирларимиз Қуддус Муҳаммадий ва Миртемирга оид қисмини «Ишонч» мухлисларига ҳавола этди.



Носир ФОЗИЛ

РАҲМАТ

Биринчи май кўчасидаги Ёзувчилар уюшмасининг Ҳамид Олимжон номидаги залида Қуддус Муҳаммадийнинг эллик йиллик таваллуд тўйи ўтаётган эди. Тўйни Абдулла ака қизиқ-қизик гаплар билан олиб борарди. «Қуддус Муҳаммадийнинг соқоли йўқ, деб ўйламанлар. Бунинг соқоли ичкарига қараб ўсади», деган гапни ўша тўйда Абдулла ака айтган. Тўй жуда маромида, хушчақчақ ўтди. Ҳамма бисотида бор яхши гапларни аямади. Тантана охирида Абдулла ака сўзни юбиларнинг ўзига берди. Қуддус ака аста минбарга кўтарилиб, бирпас ҳаяжонга эрк бериб турди-да:

— Уртоқлар, — деди залдагиларга мурожаат қилиб. — Менинг нимамни... нима қилганларинг учун... чин нимамдан раҳмат!

Биров куляпти, биров «ана холос!» деб ҳайрон. Шунда Абдулла ака ўрнидан туриб:

— Ана, энди буёғини ўзларинг тушуни олаверасизлар, — деди кулиб. — Шу билан юбилей кечамиз тугади. Ҳаммаларингга раҳмат!

НЕЧЧИ ПУЛ БЕРАЙ!

Миртемир аканинг хонадониде вадавонг тўй! Катта қизларини чиқаряпти. Ҳамма шогирдлари шу ерда: югуриб-елиб хизмат қилиб юришибди, биров сомса олиб қелган, биров нон... Биров чойга қараган, биров майга... Бир кун аввал Ҳамма ўзининг нима иш қилишини билиб олган. Шу жумладан каминанинг вазифаси меҳмонларни кутиб олиб, белгиланган жойларга ўтказиш: тўр томонга ёзувчиларни, ўртага шогирдларни...

Ҳовлининг ўртасида дўпписининг қиррасини пешанага кийиб Миртемир ака турибдилар. Югурдаклар тез-тез олдиларига бориб туришибди.

— Миртемир ака, беш юзта нон келди.

Миртемир ака суриштирмай ҳаменига қўл солади.

— Хўш, неччи пул бўлади?

— Миртемир ака сомса келди...
— Неччи пул берай?
— Қимиз олиб келишди.
— Мана, — деб пул узатади домла. Шундай қисталанг пайтда мен ҳам домланинг олдиларига бориб қолибман:

— Миртемир ака, Роза опа билан Сергей Петрович келиб қолишди. Қаерга ўтказай?

— Миртемир ака бир зум гарангсиб турди-да, сўнг менга қараб деди:
— Хўш, неччи пул бўлади?

СИМ СЎРАДИМ

Баҳор пайтлари Ҳамма қатори Миртемир ака ҳам ҳовлисидаги гулларни, дарахларни, тоқларни саришта қилар эди. Аммо хомтоқ қилишни уйдалай олмаслигига кўзи етиб, маҳалладан бир боғбон чолни таклиф этди. Чол эрталаб кириб, нонуштани Миртемир ака билан қилди. Сўхбат асосида шу нарса маълум бўлиб қолдики, боғбон чол ҳам Миртемир акага ўхшаб қўлоқлари оғирроқ экан. Дастурхонга дуо қилинган, чол «бисмиллоҳи раҳмонироҳим» деб қўлида ток қайчиси билан нарвондан тепага кўтарилди. У зарурмас барглари чиртирчирт кесайтиб, пастда турган Миртемир акага бирнима дегандай бўлди. Миртемир ака ҳам ҳайрон бўлиб «устаси тушмагур, ҳали қистаганимда чой ичмаган эди. Қазии еганми, нима бало!» деб ўйлади-да, ошхона томонга ўтиб катта чинни косада сув олиб келиб чолга узатди. Чол ҳам аввалига ажаблангандай Миртемир акага бир қаради-да қўли қайтмасин дедики, косани қўлига олиб, бир хўплади-ю пастга узатди:

— Таксир, — деди товушини бир баҳа кўтариб. — Мен «сув» эмас, «сим» сўрадим... Манавиларни боғлашга...

Миртемир ака қорнини ушлаб чунонам қаттиқ кулдиди, қўлидан косаси тушиб кетаёзди.

БИЛМАСАМ

Айни кўклам пайти. Миртемир аканинг дадалари Турсунмуҳаммад ота қазо қилган эди. У киши Туркистонга,

Иқон қишлоғига бориб дадаларининг маросимларини ўтказиб келганини эшитиб, Ҳамма таниш-билишлари шаҳардаги уйига фотиҳага кела бошлашди. Наҳриётдаги ўртоқлар билан биз ҳам... Борсак, Миртемир ака эгнига енгил чопон ташлаб олиб ҳовлида юрган эканлар. Бизни дарҳол кираверишдаги ўнг қўл хонага таклиф қилдилар. Одатдаги тиловат, кўнгил сўрашлар тугагач, Миртемир ака ўринларидан туриб, тоқчадан битта ароқ, битта коньяк олиб дастурхонга қўйдилар. Биз ҳайрон бўлиб, бир-биримизга қарадик. «Ё товба! Фотиҳада ҳам ичкилик қўядиган бўлишганими?»

— Домла, буларни олиб қўйинг, уят бўлади-я.

Миртемир ака ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

— Билмасам, боя Мирзиёдлар келиб ичиб кетишди-ку?!

СЛИШКОМ ТЎҒРИ ЧОЛ

Кунлардан бир кун Миртемир ака Саид Аҳмад аканинга келади. Уларнинг ҳовлилари бир-бирига жуда яқин. У ёқбу ёқдан гаплашиб ўтириб, Саид Аҳмад аканинг одатдаги шумлиги тутиб, гап орасида домлани аврай бошлайди: «Миртемир ака, — дейди у, — Саидадан эҳтиёт қилиб юрган юз сўм пулим бор эди. Мана, шуни олиб қўйинг. Кейин чой устида сиздан қарз сўрайман. Берасиз...» Миртемир ака пулни шубҳа билан олади-ю чўнтагига солади. Уша пайтдан бошлаб у негадир безовталаниб, жойида ўтиролмади қолади. Гўё пул чўнтагидан чиқиб кетаётгандай, ўнг қўли чўнтагининг устида. Саида опа чой олиб кирганида гўё бир уят иш қилиб қўйгандай хижолат бўлиб, типирчилай бошлади. Миртемир аканинг бу безовталиги Саид Аҳмад аканинг кўнглига ғулғула солади: «Бекор қилдим-да шу ишни, — кўнглидан ўтказайди у. — Тунов кун ишлаб ўтирганимда, қорақалпоқдан меҳмон келиб қолди, болам. Юз сўм бериб тур, Саида билмасин», деб олиб кетиб, эртасига: «Мана, кеча Саид Аҳмаддан олган эдим», деб тўппа-тўғри Саиданинг кўлига олиб келиб берган эди. Бунақа қинғир ишни бу ярамас чолга ишониб бўлмас эканда. Чоли тушмагур слишком тўғри!»

Миртемир ака Саид аканинг пул сўрашини кутади. Саид ака эса, сўраш учун қулай пайтни. Вақт ўтган сари Миртемир ака сиқила бошлади. Ахийри чидай олмай боғи омонат пулни чўнтагидан олиб шартта Саид Аҳмад аканинг олдига отади.

— Қўй, болам, иккинчи мунақа аҳмоқ ишларни қилма!

Шу гапдан кейин Миртемир ака енгил тортибди, Саид Аҳмад ака ғалати аҳволга тушибди, Саида опа эса ҳеч нарсага тушунолмади ҳайрон эмиш.

УЙ ШАРОИТИДА ДОҒЛАРНИ КЕТКАЗИШ

МАИОНЕЗ ДОҒИ. Бу доғлар совунли илиқ сувда ювилади. Эскирган доғларга бензинда ишлов бериб, ношадил спирт қўшилган илиқ сувда ювиш, кейин тоза сувда чайқаш керак бўлади.

ТУХУМ ДОҒИ. Бундай доғ глицеринда тозаланиб, озгина спирт қўшилган илиқ сувда ювилади. Иссиқ сувдан фойдаланиш ярамайди, негаки газламада доғ изи қолади. Янги доғларни ош тузи сепиб, озгина сирка қўшилган сувда чайилади.

СОУС, ШЎРВА ДОҒИ. Егни кетказиш учун доғни аввал бензин билан, кейин 10 фоизли ношадил спирт билан (бир фоиз спиртга 5 фоиз сув аралаштирилиб) артади ва сувда яхшилаб ювилади. Бу доғлар 35—40°C гача қиздирилган глицеринда ёки 20 фоиз глицерин, бир фоиз ношадил спирт ва 20 фоиз сувдан таркиб топган эритмада тозаланади.

ВАЛИҚ ДОҒИ. Бу доғларни кетказиш учун тоза глицеринга газламани 10—15 дақиқа ботириб қўйиб, сўнг илиқ сувда ювилади.


Оч рангли ип, зигир, жуи ва ипакли газламалардаги балиқ мойи доғларини устига қуруқ бўр, талк ёки куйдирилган магнезия кукунини газламани ички томонидан сепиб, оқ қорғоқ ёпиб, устига бирор оғир буюм (масалан, дазмол) бостириб, бир сутка тўтилади, кейин кукундан тозаланади. Тўқ рангли газламалардаги доғларни орқа томонидан тозалаган маъқул, чунки газламанинг ўнг томонида кукун юқи қолиши мумкин.

ТОМАТ ДОҒИ. У 10 фоизли шавел кислотаси эритмасида артилиб, кейин сувда ювиб кетказилади. Томат доғини тозалашда дихлорэтани ҳам ишлатса бўлади.

Тўпловчи: Маъмур АЛИЕВ.

Рассом хандаси

Маиший хизмат уйида.



— Доғлари шундоқ турибди-ку!

— Берган пулингизга ярашада.

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейига ташриф буюрган томошабин у ердан бой маънавий озик олади, руҳи енгиллашиб чиқади. Зеро, музей кейинги вақтларда таъмирланиб, янги кўргазмалар билан бойитилди. Жумладан, бу ўринда музей хоналарига кўрк бағишланган «Хамса» дostonларига ишланган деворий расмлар ҳақида сўзлашнинг ўзи мароқли. Унинг муаллифи истейодли мўйқалам соҳиби Темур Саъдуллаевдир. Рассом бор маҳоратини ишга солиб, узоқ изланишлардан сўнг, «Хамса» дostonлари асосида алоҳида-алоҳида бешта лавҳадан иборат гўзал санъат асарлари яратишга муваффақ бўлди. Ушбу «Ҳайрат-ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Сади Исқандарий» дostonларининг ҳар бирига ишланган лавҳалар ўзига хос рангларда тасвирланганлиги томошабин қалбидан чуқур ўрин олади. Масалан, рассом «Ҳайрат-ул-аброр» дostonига лавҳа ишлашда «Ҳотам

Той» ҳикоясини асос қилиб олган. Ундаги ўтинчи чол Ҳотам Той ва табиат кўринишлари маҳорат билан яратилганлигидан томошабин кўз олдида ибратли воқеалар — дostonдан келиб чиқадиган хулоса яққол намоён бўлади.

Бошқа дostonларга ҳам уларнинг мазмунига ва руҳи-

сайиб қолган Алишер Навоий сиймоси. У ижод оғушида. Атроф борлиқ жаннатмисол чаманзорни эслатади. Бу ерда қушлар сайрамоқда.

Маълумки, рассомни бу асарни яратишга ундаган нарса шоирнинг «Лисон-уттайр» дostonидир. Алишер Навоий бу дostonни улуг форс-тожик шоири Фаридиддин Аттор-

Кўргазмада «Навоий қадимжолари» номли харита ҳам алоҳида кўзга ташланиб турибди. Унда буюк даҳонинг умри давомида яшаган ва ижод этган шаҳарлар акс этган. Харита сўнги вақтларда шоир ҳаётига оид тўпланган янги маълумотлар билан тўлдирилганлиги аҳамиятлидир.

лик, камтарлик, ҳақгўйлик ҳақидаги поэтик қарашлари ўз ифодасини топган.

Шунингдек, бу ерда «Алишер Навоийга ихлосмандлар» (1991) номли китоб ҳам бор. Китобга шоирнинг номи билан боғлиқ бўлган айрим қўлёмалардан лавҳалар, шоирга замондош бўлган ижодкорларнинг дастхатлари, Навоий билан боғлиқ бўлган ўрта аср миниатюралари киритилган.

Айни пайтда, «Алишер Навоий, Ҳазаллар. Шарҳлар» (1991) китоби ҳам кўпчиликни бефарқ қолдирмайди. Чунки, Навоий шеъриятини тушуниш осон иш эмас. Бунга эрдан бериш мақсадида чоп этилган ушбу тўпламда кўпчиликни ҳайратга солиб келётган шоир қалами сеҳрини тушуниш айрим ғазаллар шарҳи орқали амалга оширилган.

Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий ижоди битмас-туганмас хазинадир.

Баҳодир ВАЛИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг бўлим бошлиғи.

НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИ РАССОМЛАР НИГОҲИДА

га мос тушувчи лавҳалар ишланганки, уларни кўргач, рассом шоирнинг қайси дostonи асосида расмлар чизгани дарҳол билинади.


Музейдаги Ўзбекистон халқ рассоми Неъмат Кўзиев мўйқаламига мансуб «Қуш тили» номли асар ҳам киши эътиборини тортади. Бир қараганда асар жўнроқ туюлса-да, бироқ унда фойдаланилган ранглар кишини ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

Асар марказида анча кек-

нинг «Мантиқ-уттайр» фалсафий асарига жавобан ёзган. Бу асарни ёш Алишер мактабда ўқиб юрган давридаёқ ёд олган, китоб унинг онгига кучли таъсир кўрсатган эди.

Шу боис шоир умрининг охирида кишилик жамиятини яхшилаш ҳақидаги «Қуш тили» (1499) аллегорик дostonини яратди. Расмда эса улуг шоир ўзининг «Қуш тили» фалсафий дostonини ёзаётган пайти матога муҳрланган.

Ойнаванд кўргазмаларга XV асрга тааллуқли ноёб миниатюралар, қўлёмалардан нусхалар, ўқиш ва ёзиш учун фойдаланиладиган XV асрга оид асбоблар ҳамда сўнги вақтларда нашр этилган янги китоблар қўйилган. Жумладан, «Алишер Навоий — кўзимнинг мардуми» (1991) номли мўъжаз китобча шоирнинг 550 йиллиги арафасида мухлисларга яхши совға бўлди. Унда шоирнинг турли жанрдаги лирик асарларидан намуналар, севги, инсоний-



Бош муҳаррир

Тўлкин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АҚРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Мухайё ТУЛАГАНОВА, Шабот ХУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.



● Бош муҳаррир қабул-хонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовини — 56-52-89

● Масъул котиб — 56-52-78

● Котибхона — 56-87-59

БЎЛИМЛАР

● Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

● Хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тadbиркорлик — 56-87-78; 56-87-73.

● Маънавият, маданият ва табиат — 56-87-63.

● Безатиш ва сураткашлик — 56-87-74.

● Ишлаб чиқариш, хўжалик ва нашрилик — 56-55-85.

ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-24;

Гулистонда — 2-10-02;

Жиззахда — 2-39-54;

Наманганда — 6-22-10;

Нукусда — 4-19-97;

Самарқандда — 35-63-64;

Термизда — 2-70-07;

Тошкентда — 56-87-59;

Урганчда — 6-87-82;

Фарғонада — 4-47-73;

Қаршида — 5-33-71.

● Мухарририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь кунини Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.



СОТУВДАГИ НАРҲИ 2 СЎМ.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босишга 20 ноябрда топширилди.

● Навбатчи масъуллар: Турғун Назаров, Жонрид Абдуллахонов.

● **МАНЗИЛИМИЗ:**

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» газетаси кўчаси, 24-уй.

● Буюртма Г-481

● 101210 нусхада босилди

● Ўзбекистон Республикаси «Шарк» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12



Маънавият завол кўрмасин

ОБУНА—93

кутубхоначи А. Хасанов газетани берилаётган фельетонлар ва рейд материалларини кўпайтиришни таклиф этди.

Профессорлар Кўчкор Хоназаров, Насриддин Зайниев, элшунос олим Билол Аминов ҳамда сўзга чиккан бошқа тингловчи ва профессор-ўқитувчилар ҳам янги йилда газета саҳифаларини янги мавзулар билан бойитишга қаратилган таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Албатта, уларнинг барчаси инobatга олинади. Газетанинг 1993 йилдаги сонлари янги кифо, янги мазмун касб этиши шубҳасиз. Жамоа шу масала устида жиддий изланишлар олиб бормокда. Бу ҳақда газета таҳририяти ходимлари Акмал Ақромов, Жонрид Абдуллахонов, Тожибой Алимовлар гапириб бердилар. Ўйлаймизки, бундай учрашувлар газетанинг газетхонлар билан алоқасини янада мустаҳкамлашга, уни кизикарли қилишга, мавзулар ранг-баранглигини таъминлашга кўмаклашади.

Шу кунини Ўзбекистон республикаси маданият ходимлари малакасини ошириш институти билан «Ишонч» газетаси таҳририяти ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан бир фикрга келишиб олинди.

«ИШОНЧ» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН республикаси маданият ходимлари малакасини ошириш институтида ҳозир вилоятлардаги музика мактабларининг ўқитувчилари, кутубхоначилар, клуб ходимлари билим олмоқдалар. Улар бир ой давомида ўз соҳалари бўйича олимларнинг маърузаларини тинглайдилар, ўзаро тажриба алмашадилар, пойтахтнинг санъат ва маданият масканлари ҳаёти билан танишадилар, турли хил учрашувларда иштирок этадилар. Шундай учрашувларнинг бири яқинда «Ишонч» газетаси таҳририяти вакиллари билан бўлиб ўтди.

Институт ректори Сирожиддин Қаримов учрашувдан кўзда тутилган мақсадни очик-ойдин баён этди: шаҳар ва район маданият муассасаларидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда матбуот кучидан фойдаланиш, қишлоқ маданият ҳаётини ёритишга бевосита маданият ходимларини жалб этиш, қолаверса ҳозирги кийин шароитда таҳририят ҳаёти билан яқиндан

танишиб имкон даражасида уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашди. Учрашув давомида шу мавзулар атрофида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Газета бош муҳаррири Тўлкин Қозоқбоев курс тингловчиларига ижодий жамоа фаолияти ҳақида, газета мазмуни ва мундарижасини бойитиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ўғрисида батафсил сўзлаб берди. Сўнг савол-жавоблар бошланди. Тингловчиларни газета ҳаёти билан боғлиқ кўпгина масалалар кизиктираётганлиги маълум бўлди. Фарғона шаҳар музика мактаби ўқитувчиси Баҳром Назаралиев матбуот тарқатиш иши устидан назорат ўрнатиш лозимлигини уқтирди. Чунки нашрлар обуначиларга ўз вақтида етказиб берилмапти. Бу ҳол обуначилар сонининг камайишига сабаб бўлмокда. Нуроталик клуб ходими Эркин Яхеев қишлоқ маданият уйлари фаолияти газетани эътиборидан четда қолиб келаётганлигини эслатди. Олтинқўллик

«Дехқонobod» жамоа хўжалиги қасаба уюшмаси кўмитаси меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш юзасидан кейинги икки йил ичида кўпгина тadbирларни амалга оширди. Ҳамма қишлоқлар табиий газ ва ичимлик сув билан таъминланди, кўчаларга асфальт ётқизилди. Иқтисодий аҳволи оғир оилаларга мунтазам ёрдам уюштирилмокда. Ка-

ҚИШЛОҚҚА — ШАҲАР ҲУСНИ

ромат Алламуродова ва Абдимўмин Боботоевлар оиласига хўжадик ҳисобидан уй қуриб берилди. Умаровлар оиласидаги беш нафар болага 5 минг сўм ойлик нафақа тайинланди. Биринчи гуруҳ уруш ногирони Турдивой

Холбоев истикомат қилаётган уй ўтган йили хўжалик ҳисобидан ремонт қилинган бўлса, бу йил газлаштирилди. Ўтган ойлар мобайнида юздан ортик ана шундай хайрли ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги иқтисодий танг шароитда ишловчиларга бугдой, шол, ёғ, кир совуи каби кундалик рўзгор маҳсулотлари етказиб берилапти. Шифоталаб кишилар санаторийларда даволансин деб 20 та имтиёзли йўлланма олинди. Касаба уюшмаси кўмитаси бу ишларнинг ҳаммасига бош-қош бўлапти.

«ИШОНЧ» мухбири, Бекобод райони.



Ташкилот
Ўзбекистондан

Россия Федерациясига ва аксинча шошилинч пул ўтказиш бўйича ёрдам кўрсатади.

Тошкентдаги телефон:
(3712) 76-89-45.

ВОБКЕНТДА ЁПИҚ БОЗОР

ВОБКЕНТ шаҳрида замонавий дехқон бозорининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

Уни Бухоро агросаноат қурилиши трестига қарашли 199-механизациялашган кўчма қолонна бунёдкорлари қўлдан чиқардилар. Бозор 1,5 минг квадрат метр савдо майдонига эга бўлиб, бу ерда сотувчи ва харидорлар учун

зарур қулайликлар яратилган.

Пишиқ ёштдан тикланган ёпиқ бозор ҳудудида 3 та магазин, 6 та сабзавот дўкони, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган 3 та омбор, 500 квадрат метр хажмли ёзги савдо павильони мавжуд.

Н. ТОШЕВ,
«Ишонч» мухбири,
Бухоро вилояти.